



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (11.669)

Баҳоси эркин нарҳда

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ШҲТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

2009 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га раислик қилиб келмоқда. Кўпгина хорижий экспертлар «Ўзбекистон томонидан Ташкилотга раислик доирасида ШҲТ нуфузининг янада мустаҳкамланиши ва фаолиятининг ривожланиши йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда», дея баҳолашмоқда.

Хусусан, Европа Халқаро муносабатлар институти вице президенти Жак Липпернинг фикрига кўра, Ўзбекистон халқаро нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муҳим иштирокчиси саналади.

— Ўзбекистон томони Ташкилотнинг янада ривожланиши борасида аниқ ва прагматик ёндашувга амал қилмоқда. Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича, терроризм, айирмачилик ва экстремизм каби уч ёвуз иллатга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик. Шу ўринда афғон зиддиятини тартибга солиш бўйича Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватлашнинг билдирмоқчиман. Бу бутун ШҲТ минтақасида хавфсизлик ва барқарорлик борасида муҳим аҳамият касб этувчи муносабатдир. ШҲТнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида гап кетганда, Ташкилотнинг халқаро алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистоннинг ташаббуслари таҳсинга сазоворлигини таъкидлашни истардим. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар унинг нуфузи янада ошишига йўл очди. Яқинда Тошкентда имзоланган ШҲТ ва БМТ Котибиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация алоҳида аҳамиятга эгадир. Умид қиламанки, Европа Иттифоқи билан ҳам Ташкилотнинг минтақадаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, хусусан, афғон муаммосини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилувчи шунга ўхшаш ҳужжат имзоланади.

Бельгиянинг халқаро масалалар бўйича етакчи экспертларидан бири Хильберн Байз «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида жумладан шундай деди:

— Бизнинг экспертларимиз Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги даврида олиб борилаётган ишларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда ва мамлакатининг ушбу тузилма билан халқаро ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантириш борасидаги ташаббусини, шунингдек, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг қўллаб-қувватлайди.

ШҲТнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтadиган саммитида Ўзбекистоннинг ўз раислиги даврида Ташкилот самарадорлиги ва ролини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, хусусан, энг муҳим йўналишлардан саналган хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ишлари, Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш ва транспорт коммуникациясини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларнинг Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани муносиб баҳоланади, деб умид қиламан.

Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори Виталий Наумин ШҲТнинг ривожланишида Тошкент муҳим роль ўйнаганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Жамоат транспорти шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда бу соҳага катта эътибор қаратилаётир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда «Тошкентда йўловчиларни хусусий шаҳар транспорти билан таъминлашнинг янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида Бизнес-форум эксперт кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир Савдо-саноат палатаси, шаҳар ҳокимиятининг барча турдаги транспортлар ҳаракатини лицензиялаштириш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси кўмағида ташкил этилди.

Унда хусусий транспорт ва сугурта компаниялари, банклар, турли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тадбирда шаҳар транспорт соҳасини янада ривожлантириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, йўловчи ташвишда кўрсатиладиган транспорт билан таъминлашнинг ҳозирги аҳоли ва ушбу соҳани янада ри-

вожлантириш истиқболлари, йўналиш тармоқлари, хусусий хизмат кўрсатувчилар фаолиятини бошқаришнинг амалдаги тартибини, соҳадаги солиқ тизими ва молиялаштириш механизмининг оптималлаштириш масалалари муҳокама этилди. Энгил такси фаолиятини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси Ш.Мухаммадзонов ўз сўзида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. 2008-2009 йилларда сифатли модификацияланган «Мерседес-Бенц» янги автобуслари, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган мидибуслар содда олиниши тўғрисида ҳаракатланиш таркиби бутунлай янгиланди. Шунингдек, 20 та трамвай харид қилинди. Бундан ташқари, шаҳар маршрут такси йўналишларида ҳам ҳаракатланиш таркиби янгиланмоқда. Ҳозиргача 400 та янги микроавтобус ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳозирги муҳим вазифалардан бири Асака шаҳрида ишлаб чиқариладиган махсус автобиллар ҳисобидан энгил таксомоторлар паркни кен-

гайтиришдир. Эксперт кенгаши йиғилишида шаҳар жамоат транспорти ишида кузатилаётган камчиликлар қайд этилди, уларни бартараф этиш ва соҳа фаолиятини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди. Хусусан, Тошкентда йўловчилар оқимини комплекс ўрғаниш, жамоат транспорти автобекатлари ва энгил таксилар тўхташ жойларини қуриш, жамоат транспорти автобиллари имтиёзли ёқилғи қуйиши учун АЁҚШ шохобчаларида тегишли шароит яратиш, барча мулкчилик шаклидаги жамоат транспорти ташувчиларининг имтиёзли кредит олишига имконият яратиш, шунингдек, маршрутли такси тартибиде йўловчиларни ташвиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бир хил типдаги ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

«GM-Uzbekistan» кўшма корхонаси хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, хусусий компаниялар рақобатбардошлигини ошириш ва шаҳар автомобиль транспорт паркни модернизациялаш мақсадида такси сифатида фаолият юритадиган махсус «Nexia» ва «Lacetti» автобилларининг намуналарини тайёрлади. Ушбу автобиллар тўловларни банк пластик картчалари орқали қабул қилиш учун таксометр ва терминаллар билан жиҳозланган бўлиб, махсус белгилари билан фарқланади. Йиғилиш доирасида уларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Меҳрибон
МАМЕТОВА,
УЗМ муҳбири

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан соҳа мутахассислари иштирокида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **УЧТЕПА** тумани ҳокимлигида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида «Мафтункор ранглар жилоси» мавзусидаги расмлар кўриқ-танловининг туман босқичи ташкил этилди.

✓ **«ЎЗБЕКИСТОН»** нашриёт-матбаа ижодий уйда ноширлар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда яқинда Москва шаҳрида уюштирилаётган халқаро китоб ярмаркасига муносиб тайёрларлик кўриш масаласи муҳокама қилинди.

✓ **КЕЧА** ҳамюртларимиз Равашан Эрматов ва Рафаэл Илёсовлар 11 июнда бошланадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларини ҳакам сифатида бошқариш учун Жанубий Африка республикасига жўнаб кетишди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг минтақавий кўргазма-савдоси ташкил этилди. Ушбу тадбирда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар билан бир қаторда Германия, Австрия, Италия, Франция, Греция, Туркия каби йигирмадан ортиқ давлатларнинг 50 дан зиёд хорижий компаниялари кичик технологиялари ва ускуналари билан иштирок этди.

• Восит Воҳидов номидаги республика жарроҳлик марказида маҳаллий ва италиялик жарроҳ шифокорлар иштирокида юрак-қон-томир хасталикларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарали усуллари бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Андижон вилояти Избоскан туманидаги Чувама қишлоғида хитойлик ишбилармонлар томонидан киритилган инвестиция ҳисобига «Nanyahg Red Cotton Angel Textile» хорижий корхонаси фаолият бошлади. Мазкур корхонанинг фаолият кўрсатиши билан 300 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда бу ерга ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида ойига ўртача 800 тоннагача калава-ип ишлаб чиқарилмоқда.

• Жиззах вилояти Фаллаорол туманида «Дидосапайт» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда хорижий технологиялар ёрдамида 12 турдаги лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрланмоқда. Дастлабки ойда корхона жамоаси мижозларга 110 тонна қурилиш хом ашёси етказиб берди.

• Китоб туманидаги Матмонд қишлоғида 350 ўринли янги мактаб биноси қад ростлади. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 83 миллион сўмлик ушбу иншоотни «Risling-Star» МЧЖ қурувчилари қисқа муддат ичида бунёд этдилар.

• Наманган шаҳрида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голибликни қўлга киритган 12 нафар чевар ўз маҳоратларини намойиш этди.

• Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Кармана туманларида замонавий лойиҳалар асосида 40 та янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

• Республика кўзи оғизлар марказий кутубхонаси қошида ва «Санъат гулшани» маданият уйида кўриш қобилияти заиф кишилар учун компьютер-ресурс марказлари очилди.

ЖАҲОНДА

• Германиянинг жорий йилнинг 31 майида истеъфода чиққан президенти Хорст Кёлер ўрнига мамлакатни бошқарувчи коалиция ҳамда муҳолифат ўз номзодларини тавсия этди. Янги президент номи 30 июнь кунини ўтказиладиган федерал мажлис давомида маълум бўлади.

• Афғонистоннинг олий органи — Лояя Жирға (мамлакат оқсоқоллар кенгаши)нинг кун тартибига муҳим масалалар киритилган уч кунлик анжумани бўлиб ўтмоқда.

• Кеча «Бритиш петролеум» компанияси Мексика кўрғазиде чуқур сув тубида ишлайдиган роботлар ёрдамида шикастланган жойи қирқилган қувурга клапанларни ўрнатиш ишини бошлади. Нефтни сизиб чиқишни тўхташтиш мақсадида амалга оширилаётган ушбу навбатдаги уринишнинг қандай натижа бериши эртага маълум бўлади.

• Кеча Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрида электр трансформаторидан чиққан ёнғининг кўшни биноларга ўтиб кетиши натижасида юздан ортиқ киши жабрланди.

• Футбол бўйича ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати арафасида Жанубий Африка республикасининг 92 ёшли собиқ президенти, Нобель мукофоти соҳиби Нельсон Мандела мамлакат терма жамоаси аъзолари ва мураббийлари билан мулоқотда бўлиб, майдон эгаларига омад тилади.

• Кеча Москвадаги тиббий-биологик муаммолар институтида Марсга парвозни ер шароитларида худди табиийдек тайёрлаш юзасидан тажрибавий тадқиқотлар бошланди. Унда иштирок этаётган бир неча кўнгилчилар 520 кун давомида ташқи муҳитдан буткул узилган ҳолда синовдан ўтадилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Марс сайёрасига бевосита парвозлар яна 25 йиллардан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш устувор мақсадимиз» ҳамда «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзусидаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш борасидаги навбатдаги йиғилиш Яккасарой тумани фаоллари иштирокида бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИДА

Тадбирда сўзга чиққан Яккасарой тумани ҳокими Вали Муллажонов, Олий Мажлис Сенати аъзолари Фарид Абдурахмонов, Акмал Ақромов, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуганиевлар мамлакатимизда Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётган илмий ислохотлар замиридаги инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, келажак авлоднинг ҳар томонлама вояга етишига кўмаклашиш, она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлаш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда ҳаттоки кўп рақамли давлатларнинг ҳам ўз домига торган жаҳон молиявий инқирози пайтида мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг илмий татбиқ этилиши натижасида иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида асосий кўрсаткичларни сақлаб қолиш баробарида ўсиш суръатларига ҳам эришишга муваффақ бўлинди.

Молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислох қилиш борасида мамлакатимиз мисолида тажриба алмашиш мақсадида жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Йирик халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. 46 мамлакатнинг 400 дан зиёд экспертлари, жамоат арбоблари ва ишбилармонлари қатнашган мазкур анжуманда глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўп рақамли давлатлар иқтисодиётига зарар етказгани, бунинг оқибатида эса минглаб кишилар ишсиз қолгани ширлангани ҳолда, Ўзбекистонда фарқли равишда ўз вақтида амалга оширилган зарур чоралар тўғрисида инқирознинг оғир оқибатларининг олдини олишга эришилгани эътироф этилди.

Бу борада республикамизда 2012

йилгача мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига асосан иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, ижтимоий инфратузилма лойиҳалари қўлама ва ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, солиқ юкини изчил пайсатириб бориш саяё-ҳаракатлари давом этмоқда. Мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар шаҳар иқтисодий кўрсаткичларида ҳам яққол намоён бўлаётди. Қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шунингдек аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, айниқса она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги қўлама кенг ишларда депутатларнинг ҳам ўрни сезиларли бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда Яккасарой туманида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Айтиб ўтилганидек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицияларни кенгрок жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга оид чора-тадбирлар илмий олиб борилаётди. Жорий йил биринчи чорагида асосий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда таъминлангани бунга далолатдир. Мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида тегишли дастурлар қабул қилиниб, ижроси босқичма-босқич таъминлаб боришмоқда.

Йиғилиш сўнггида Тошкент шаҳридан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, Сенат аъзолари ва аҳоли ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятида 233-29-55 бевосита муқорат телефони жорий этилгани эълон қилинди. Ушбу манзил бўйича шахримиз фуқаролари депутатларга барча фикр-мулоҳазалари, тақлиф-истақлари билан оғзаки ва ёзма мурожаат қилишлари мумкин.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Музейларда

ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ КАТТА

Кўғирчоқсозлик санъати Марказий Осиё халқларида узоқ асрларга бориб тақалади. Тошдан, лойдан, ёғоч, қамишдан турли ҳайвонларнинг кўринишлари, афсонавий аjoyиботлар акс эттирилган кўғирчоқлар археологик қазилмаларда кўп топилган.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида 250 мингдан ортиқ осори-атқалар сақланиб келаятган миллий кўғирчоқ театри қаҳрамонлари, шу жумладан Качал Полвон ҳам намойиш этилмоқда. Маълумки, Качал Полвон ўзбек анъанавий кўғирчоқ театрининг асосий қаҳрамонларидан бири ҳисобланади. Унинг бош қисми ёғочдан ясалиб, эгнига қўйлақ, чопон, бошига дўппи кийдирилган, қирра бурун ва барок қоши йиғит сифатида намоён бўлган. Кўғирчоқсоз кўғирчоғини ўнг қўли бармоқларига кўндириб, ҳаракатга келтирган. Бизгача турли кўғирчоқларда «Полвон Качал сарғузашлари» комедияси етиб келган.

— Кўғирчоқнинг асосий қисмини ўзбек миллий кўғирчоқлари ташкил этади, — дейди Ўзбекис-

Миллий кўғирчоқлар тарихимиз, маданиятимиз, турмуш тарзимизни ўзига хос ифода этувчи амалий санъат намунасидир.

тон тарихи Давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Музей захирасида салкам 100 йилдан бери сақланиб келинаётган миллий кўғирчоқ театри қаҳрамонлари, шу жумладан Качал Полвон ҳам намойиш этилмоқда. Маълумки, Качал Полвон ўзбек анъанавий кўғирчоқ театрининг асосий қаҳрамонларидан бири ҳисобланади. Унинг бош қисми ёғочдан ясалиб, эгнига қўйлақ, чопон, бошига дўппи кийдирилган, қирра бурун ва барок қоши йиғит сифатида намоён бўлган. Кўғирчоқсоз кўғирчоғини ўнг қўли бармоқларига кўндириб, ҳаракатга келтирган. Бизгача турли кўғирчоқларда «Полвон Качал сарғузашлари» комедияси етиб келган.

Кўғирчоқсозлик санъати Марказий Осиё халқларида узоқ асрларга бориб тақалади. Тошдан, лойдан, ёғоч, қамишдан турли ҳайвонларнинг кўринишлари, афсонавий аjoyиботлар акс эттирилган кўғирчоқлар археологик қазилмаларда кўп топилган.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида 250 мингдан ортиқ осори-атқалар сақланиб келаятган миллий кўғирчоқ театри қаҳрамонлари, шу жумладан Качал Полвон ҳам намойиш этилмоқда. Маълумки, Качал Полвон ўзбек анъанавий кўғирчоқ театрининг асосий қаҳрамонларидан бири ҳисобланади. Унинг бош қисми ёғочдан ясалиб, эгнига қўйлақ, чопон, бошига дўппи кийдирилган, қирра бурун ва барок қоши йиғит сифатида намоён бўлган. Кўғирчоқсоз кўғирчоғини ўнг қўли бармоқларига кўндириб, ҳаракатга келтирган. Бизгача турли кўғирчоқларда «Полвон Качал сарғузашлари» комедияси етиб келган.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: кўғирчоқлардан лавҳа. Козим Ўлмасов олган сурат

Мустақиллик йилларида ёшларимизнинг таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳар томонлама етук авлодни шакллантиришда эса экологик тарбиянинг ҳам аҳамияти каттадир.

Шу маънода алоҳида таъкидлаш ўринлики, экологик ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнлари босқичма-босқич, замон талаби даражасида олиб борилиши керак. Бизнинг фикримизча, бу борада кўйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Оилада шундай тарбиянинг сингдирилиши ёшларни табиатга, унинг бойликларига ҳурмат билан қарашга ва муҳофаза қилишга ундайди, яъни уларда дастлабки экологик тушунарларни шакллантиришга ёрдам беради.

Мақтабгача бўлган муассасаларда тарбиячилар болаларга жонли табиат бойликларини кўрсатиб, уларни асрашга йўналтириши, китоб ва расмлар орқали уларга ижобий таъсир қилишга кўмаклашиши лозим бўлади. Бу жараён эса оиладаги ижобий педагогик-психологик ҳолатларнинг давоми бўлиб, уни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мақтаб даврида ёшларимиз анча мукамал жараён, яъни табиат, ҳақиқат ва инсон ўртасидаги мутаносиблик ҳолатида ўзини аниқ тушунади. 1 — 9-синфларда олган бошқа соҳа билимларини экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия билан боғлаб олиб боради. Бу ёшдаги йиғил-қизларимиз айниқса табиат тўғрисидаги ва экологик қонунлар талабларини ўрганади. Бу даврда уларнинг экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияси атрофдагилар назарида ижобий ҳамда салбий кўринишда ҳам намоён бўлиши сезилади.

Академик лицей ва касб-хунара коллежларида олиб бориладиган экологик тарбия жараёни ёшлар ҳаётида асосий ҳал қилувчи босқичлардан биридир. 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-хунара коллежнинг 170 таси вилоят туманларида эканлиги ҳамда замон талаби дара-

жасидаги реконструкция қилиниши ёшларимизга янги замон талаби доирасидаги экологик ҳуқуқ таълим ва тарбия жараёнини эгаллашга ёрдам беради. Бу босқичда ёшларимиз «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Усимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Урмон тўғрисида» ва «Чикиндилар тўғрисида»ги экологик қонунлар ва Ер кодексининг мазмун-моҳиятини кенгрок ўрганади. Шунингдек, ёшларимиз бу даврда «Экология ҳуқуқи» ва «Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи» фанларини ҳам белгиланган соат ҳажмида ўзлаштиради.

Олий ўқув муассасаларида фарзандларимиз бевосита аниқ йўналиш ва мутахассисликлар-

га эга бўлиб, экологик ҳуқуқий билим савиясини ўз соҳалари асосида ўзлаштиради. 2008-2009 ўқув йилида республикамизда 75 та олий ўқув юрти 52 мингдан зиёд бакалавр ва 8312 нафар магистр битирган бўлса, улар орасида кўп рақамли мутахассисликлар қаторида биолог-эколог, юрист-эколог, педагог-эколог, эколог-технолог, эколог-муҳандис, эколог-химик, эколог-аудиторлар ҳам бор. Олий ўқув юртлири талабаларига «Экология», «Экология ҳуқуқи», «Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи», «Сув ҳуқуқи», «Ер ҳуқуқи», «Урмон ҳуқуқи», «Кон ҳуқуқи», «Атроф табиий муҳит муҳофазаси», «Экологик ҳуқуқий жавобгарлик» ва «Халқаро экология ҳуқуқи» каби фанлар ҳам ўқитилмоқда.

Магистратура ва аспирантура жараёнида аниқ мутахассис бўлган, чуқур экологик ҳуқуқий билимга эга ёшларимиз илм-фан йўлида кўп рақамли ижобий ишларни амалга ошириб, магистрлик ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Масалан, Тошкент Давлат юридик институтида алоҳида ушбу соҳа бўйича магистрлик йўналиши бўйича, шунингдек табиий ресурслар ҳуқуқи, аграр ҳуқуқ, экологик ҳуқуқ йўналишлари бўйича аспирантурада таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш лозимки, ёшларга экологик ҳуқуқий таълим-тарбияни доимий равишда, узлуксиз ва чамбарчас бериб бориш орқали самарга эришиш мумкин.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ, Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири, профессор

ЕТУКЛИККА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

31 майдан 15 июнга қадар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг эзгу оруз-интилишларини юзага чиқариш, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида вояга етказишдан иборатдир. Таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган янгиликлар жараёнлари замонавий билим масканлари, бадий ижодиёт марказлари, спорт мажмуаларини барпо этиш, йиғит-қизларнинг ўз лаёқати ва қобилияти бўйича касб-хунара эгаллаши, ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётди.

Ёш авлоднинг интилиш ва изланишларига қанот бағишлаш, илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази каби жамоат ташкилотларининг фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Жамғарманинг йирик лойиҳаларидан бири саналган «Келажак овози» республика кўрик-танлови йиғит-қизларда катта эътибор ва қизиқиш уйғотаётган маънавий-маърифий аҳамиятга молик тадбирлардандир.

Жорий йилда танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 71 минг нафардан ортиқ йиғит-қиздан ариза тушди. Ижодий беллашувнинг бу йилги ўзига хос жиҳати — ўз истеъдодини намоён этиш истагидаги ёшлар таълим масканлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлиmlари, шунингдек он-лайн тартибда kelaajakovoz.uz сайти орқали ҳам ариза тўлдириш имконига эга.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, таъсирли ва амалий санъат, адабий ижод ва публицистика номинациялари бўйича билим ва маҳоратини намоён этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ШҲТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— ШҲТ фаолиятида муҳим аҳамият касб этган барча янги қадамлар ва давлатларнинг барча йўналишларда бир-бирига яқинлашуви, шубҳасиз, ўз миллий кун тартибини ривожлантираётган ва уни кўптомонлама халқаро форматда илғор фаолият билан мустаҳкамлаб келаятган Тошкентнинг муҳим ўрин тутиши билан боғлиқдир. ШҲТнинг Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтажак саммити Ташкентнинг янада ривожланиши ва нуфузли халқаро куч-қудратга эга бўлишида муҳим қадам бўлиши муқаррардир.

Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти ходими Елена Кузьмина ШҲТга раислиги даврида Ўзбекистон Ташкентнинг келгуси тараққиёти йўлида ШҲТ тузилмасининг ҳуқуқий базасини шакллантириш ва транспорт йўлагини ривожлантириш каби кўп рақамли масалаларни илгари сурганига эътибор қаратди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон нафақат сиёсий йўналиш ва хавфсизлик соҳаларида, балки иқтисодий йўналишда, транспорт коммуникацияси масаласини ҳал этишда, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга татбиқ этишда Ташкилот самардорлигини янада ошириш борасида жиддий мулоҳаза юратади.

Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ институти ижрочи директори, профессор Тецуки Танака Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги жуда фаол ва самарали кечаётганини таъкидлади. «Дунёдаги бугунги ҳолатни ҳисобга олганда, Ўзбекистоннинг ШҲТ билан нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш борасидаги саяё-ҳаракатлари ўта долзарб масала саналади», деди япониялик олим.

Япониянинг «Аояма Гакуин» университети профессори Шигеки Хакамада Ўзбекистон ШҲТда раислик қилувчи давлат сифатида Ташкилот фаолиятининг ривожланиши йўлида бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурганини қайд этди. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг раислиги даврида ШҲТ доирасида Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси учун муҳим аҳамият касб этувчи жуда кўп рақамли масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек олим Япония ШҲТнинг фаолият юритиб тургани тўғрисида минтақада барқарорликка эришилганини кўллаб-қувватлашни, бу эса кун чиқар юрт ва бошқа хорижий давлатлар учун муҳим омил эканини таъкидлади.

Деҳли университети профессори Халид Альвининг фикрича, Ўзбекистон ШҲТда раислиги давридаги ўз фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилаб олди. «ШҲТ ташкил толган вақтдан бошлаб Тошкент ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорликни фақат барқарорлик ва хавфсизлик масалалари билан чегаралаб қўймасдан, балки савдо-иқтисодий, янги транспорт йўлагини ташкил этиш каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори бўлган. Аминманки, ШҲТнинг Тошкент саммити Ташкилот фаолиятидаги муҳим воқеа бўлиб қолади ва Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади», деди олим.

Ҳиндистоннинг оммавий «Political Events» ахборот-таҳлилий журнали сиб-сий шарҳловчиси М.К.Дхар жумладан куйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Ўзбекистон ўз раислигининг устувор йўналишларидан бири сифатида Ташкентнинг фаолият доирасини кенгайтириш, унинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, унга янги аъзоларни қабул қилиш каби масалаларни белгилаб олдики, бу, шубҳасиз, жаҳон саҳнасида ШҲТнинг тутган ўрни ва аҳамиятининг ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг раислиги ШҲТнинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган охириги саммитида эълон қилинган, мақсадга эришишга йўналтирилган қатор муҳим тадбирлар билан бирга олиб борилди. Ўзбекистон бир қатор янги ташаббуслар билан чиқди ва уларни амалда татбиқ этди, хусусан, ШҲТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида фаол иш олиб борилмоқда, кенг қўламага эга бўлган ШҲТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик давом эттирилмоқда.

«Жаҳон» АА

Спорт янгиликлари

ҚИЗИҚАРЛИ БАЙРАМ
ДАСТУРИ

қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда байрам дастури ташкил этилди.

Тадбир доирасида эстрада юлдузларининг чиқишларидан ташқари, мактаб ўқувчилари ижод намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди, шунингдек шашка-шахмат, стол тенниси, кураш бўйича мусобақалар, расм чизиш танлови ўтказилди. Болажонларга ташкилотчилар томонидан турли хил совғалар улашилди.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

«Ҳар бир фарзандга меҳр ва эътибор» шиори остида бир hafta давом этган байрам тадбирлари Бектемир туманида ҳам фаоллик билан уюштирилди. Жумладан, туман маданият саройида ҳокимлик томонидан бир

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича Осиё чемпионати бошланди.

ГИЛАМДА — САМБО УСТАЛАРИ

Ушбу нуфузли турнирда қитъанинг 17 мамлакатидан ташриф буюрган 300 га яқин спортчи ғалаба учун кураш олиб бормоқда.

Чемпионатнинг дастлабки кунги катталар ва қизлар гиламга тушиб, ўз маҳоратини намойиш этишди. Қувонарли томони шундаки, турнирнинг биринчи кунги ҳамюртларимиз учун жуда омадли кечди, улар қатор олтин медалларни қўлга киритди. Ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўз вазнларида Шавкат Жўраев, Дилдора Убайдуллаева, Дамир Муҳидов, Соҳиба Эштемирова ва Суннатилла Азимов ўрин олишди.

Кеча ўсмирлар ўртасида беллашув бўлиб ўтди.

И.ДИЛШОДОВ
СУРАТДА: самбо бўйича Осиё чемпионатидан лавҳа
Алексей Попов олган сурат



ҲАМЮРТИМИЗ — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Венгрияда бўлиб ўтаётган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқич муобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоамиз совриндорлар сафидан жой эгаллади.

Гап шундаки, курраи заминнинг кўпгина мамлакатларидан ташриф буюрган маҳоратли спорт-

чиларга қарши ғолиб бўлиш ниятида баҳс олиб борган ўтган йилги жаҳон чемпионати олтин ме-

даль соҳиби Вадим Меньков 1000 метрга эшак эшишда маррага биринчи бўлиб етиб келиб, ғолибликни қўлга киритди. Ҳамюртимиздан сезиларли даражада орта қолган франциялик Матье Жубелга иккинчи ўрин насиб этган бўлса, канадалик Марк Олдершоу учинчи ўрин билан кифояланди.

Вакилларимиз шунингдек 1000 метрга тўрт кишилик каноэда эшак эшиш баҳсларида бронза медалини ҳам қўлга киритди.

Акбар Йўлдошев

2010 йил — Баркамол авлод йили

МОҲИР РАҚҚОСАЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида миллий рақс ижрочилиги бўйича республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ижодий беллашувнинг Қорақалпоғiston Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Юртимизда санъатнинг барча йўналишлари каби миллий рақс санъатини изчил равишда топтириш, бу борадаги бой анъана ва усуллари тиклаш, «Устоз-шогирд» анъаналарини янада ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий рақс санъатимизнинг моҳир намойёндаси Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўрик истёвдодли раққосаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ижоди билан санъат ихлосмандларини кенг таниш-

тиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчи ўрин М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг Хоразм вилояти бўлими раққосаси Дилноза Ортиқовага насиб этди. Иккинчи ўринга «Айқулаш юлдузлари» Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли раққосаси Айшолпон Кинбоева, Сурхондарё вилоятининг Марказий маданият уйи қошидаги «Булбулигўё» халқ фольклор этнографик ансамбли раққосаси Лобар Жумаева лойиқ топилди. Учинчи ўринга Наманган давлат университети «Муסיқий таълим» кафедраси талабаси Гулмира Одилова, Сирдарё вилоятининг «Сирдарё наволари» ашула ва рақс ансамбли раққосаси Саида Равшанова сазовор бўлди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Чилонзор туманидаги шифохона ва оилавий поликлиникалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, бошқа соҳа вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилиб, унда халқаро тус олган жиноятчилик — одам савдосига қарши курашиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

Туманларда

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

— Тинчлик-осудалик ҳар қандай бойликдан афзал неъмат, бунинг қадр-қимматини бугунги кунда айрим мамлакатлардаги мураккаб вазиятларни таққослаб англашимиз зарур, — деди туман имом-хатиби Жасур Рауфов. — Инсон қадри улуғланаётган юрт фарзанди эканимиздан, оиламиз даврасида тинч ҳаёт кечириётганимиздан шукр қилиб яшашимиз даркор. Ўғил-қизларимизни ҳам шу тарзда тарбия-

лашимиз, аждодларимизга муносиб қилиб воёга етказишимиз лозимлигини унутмайлик.

Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова кийиниш маданияти хусусида тўхталиб, кейинги йилларда момоларимиз эъзозлаб келган атлас, бекасам, адрас, крепдишиндан тайёрланган либослар айниқса қизларимиз орасида кенг тус олаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга баъзи ҳол-

ларда миллий урф-одатларимиздан йироқ бўлган кийиниш одат бўлаётгани ҳақида куйиниб фикр билдирди, бу борада биринчи навбатда ота-оналар, шунингдек маҳалла-қўй, ўқитувчилар, умуман жамоатчилик эътибори алоҳида касб этишини қайд этди.

Тадбир сўнггида «Тузоқ» деб номланган хужжатли фильм намойиш этилди.

Шахризода МУҲСИМОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув аппарати га юқори малакали ахборот коммуникация технологиялари йўналиши бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш юзасидан танлов эълон қилади.

Мутахассисларга келишув асосида штат жадвалига асосан 500 минг сўмдан 700 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун (мутахассислигига қараб) қўйиладиган талаблар:

— олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

— ўзбек ва рус тилларини билиши керак.

Танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй. (Бошпочтамт биноси).

Мурожаат учун телефонлар: 237-49-51, 233-57-47.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани
бошқариш давлат кўмитаси

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Ҳамза тумани СИБ томонидан, ФИБ Миробод тумани судининг 29.12.2009 йилдаги 1-7782/09-сонли ижро ҳужжати га асосан, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Нигора 2-тор кўчаси, 112-А- уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 602 кв.м. бўлган бир қаватли ертўлали уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 195 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 22 июн кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114, МФО:01036, ИНН:200933850.

Тузатиш: «Тошкент оқшоми» газетасининг 24.05.2010 йилдаги 99-сониде чоп этилган «Тойота камри» русумли, д/р 30S3313 бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 20 501 058 сўм деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
5617 нусxada босилди.
Қоғоз бетиши А-2



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Найнинг наволари кўнгил
малҳами,
Чунки асил машшоқ
кўнгил одами.

Умидинг узилмас улўғлар ичра,
Инсофу иймони тўлиқлар ичра.

Ҳар кимда ҳар кимнинг
ҳаққи йўқ албат,
Онанинг болада ҳаққи ҳақиқат.

Тиканлар тигидан толган
атиргул,

Шу тигдан паноҳ ҳам
олган атиргул.

Кўнгил кўзгусида
доғинг бўлмаса,

Тоғлар ҳам эгилур
тоғинг бўлмаса.

Оппоқ қор юзига доғлар
ярашмас,

Мажнун мақомига
соғлар ярашмас.

Ҳар хил жаранглайди ҳар
дилнинг сози,

Ҳақиқат аслида халқнинг овози.

Боғларга ярашса
кумрилар нози,

Тоғларга ярашар бургут
парвози.

Умид гулшанида - умид чечаги,
Қорлар кетгунчадир

қишнинг эртаги.

Магар дилга солиб юрмайсан,
Бахтни боғлаб олиб юрмайсан.

Дилим - дарё, тўғонинг бекор,
Гирдобига бўлма гирифтор.

Кўзин очгин келса ҳикмат
булогин,

Ўзинг излаб боргин
машаққат тоғин.

Ёт егунча ҳамкор бўлади,
Туғишганинг тумор бўлади.

Гар дилингда ор бўлур,
Шайтон албат хор бўлур.


Агар мудом тилагинг тоза,
Душманга ҳам феълинг андоза.

Аёлин эъзозлаб юролган эркак,
На фарзанд, на ётга
бўлмагай эрмак.

Санъат дил мулкнинг
тожи бўлади,

Ҳалоллик шу тожнинг
божи бўлади.

(Давоми бор)



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32